


## VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 9671 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 90,4 % кўпдир), уларнинг сони 38006 тага етди.

2020 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 32602 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 28,3 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 3818 таси (11,7 %) Зангиота, 3046 таси (9,3 %) Қибрай, 2439 таси (7,5 %) Тошкент, 1894 таси (5,8 %) Ўртачирчиқ, 1839 таси (5,6 %) Янгийўл туманлари ҳамда 1844 таси (5,7 %) Ангрэн шаҳри ҳиссаларига тўғри келади.


• Энг катта улуши	• Энг кичик улуши
Зангиота тумани 11,7 %	Чиноз тумани 2,6 %
Қибрай тумани 9,3 %	Пискент тумани 2,6 %
Тошкент тумани 7,5 %	Оққўрғон тумани 2,6 %
Ўртачирчиқ тумани 5,8 %	Охангарон тумани 2,4 %
Ангрэн шаҳри 5,7 %	Охангарон шаҳри 2,4 %
Янгийўл тумани 5,6 %	Бўка тумани 2,2 %

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иктисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**




2020 йил 1 декабрь ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 9671 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 4591 тага ёки 90,4 % га ошган.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар  
кесимида сони, бирликда**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг  
йиллар кесимида ўсиш динамикаси, 1 январь ҳолатига %да**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
2019 йил январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан %да)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 37,7 %), саноат (21,1 %), кишлок, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (10,8 %) ва қурилишда (9,2 %) ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2019 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 52,7 % (2018 йил январь-декабрда 57,7 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 14892,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 27,6 %) ёки 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 104,7 % ташкил қилди;

- 18439,8 млрд. сўмлик кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 93,4 % (кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 96,4 %) ташкил қилди;

- 5733,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 33,9 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 113,4 % ташкил қилди;

- 2445,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 50,1 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 158,2 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,7 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 58,2 %), йўловчи айланмасининг эса 102,2 % (умумий йўловчи айланмасининг 96,2 %) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,4 % ёки 15747,4 млрд. сўм (ўсиш 109,9 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 70,5 % ёки 9685,8 млрд. сўми (ўсиш 104,3 %) шакллантирилди;

- 575,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 31,5) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 1 420,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 48,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2019 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	18439,8	96,4
Саноат	14892,8	14,6
Қурилиш	2445,1	50,1
Чакана савдо	15747,4	90,4
Юк ташиш, млн т	53,9	25,9
Йўловчи ташиш, млн.киши	613,6	90,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	575,8	х
Импорт, млн. АҚШ долл.	1420,9	х

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Қурилиш	Инвестиция	Хизматлар
■ 2018 йил январь-декабрь	57,7	28,9	96,8	88,1	43,1	39,5	72,8
▨ 2019 йил январь-декабрь	52,7	27,6	96,4	90,4	50,1	33,9	70,5